

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 20-iyul, Payshanba

№ 30 (9246)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ:

ИСТИҚБОЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛДА

Юртимизда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида илғор хорижий технологияларни жорий этиш, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Франция тараққиёт агентлиги 2022–2026 йилларда Ўзбекистонда чорвачилик соҳасини ривожлантиришни молиялаштириш мақсадида 100 миллион евро кредит ажратмоқда. Маблағ 15 йил муддатга, шу жумладан, 4 йиллик имтиёзли давр билан берилмоқда. Лойиҳа дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида амалга оширилади. Лойиҳа доирасида назарда тутилган чора-тадбирларнинг 50 фоиздан зиёди молиялаштирилган, қолган ҳудудларда ҳам жорий этилади.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашида Франция тараққиёт агентлигининг Тошкент шаҳридаги бош офиси ваколатхонаси вакиллари билан 5 йилга мўлжалланган “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳасини амалга ошириш борасидаги масалалар муҳокама

қилинди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 147,7 миллион евро бўлиб, шундан 100 миллион еврони Франция тараққиёт агентлиги, 29,96 миллион евро бенефициарлар, 17,1 миллион евро Ўзбекистонга тегишли.

– Ушбу лойиҳа доирасида кенгаш чорвачиликни ривожлантириш борасидаги бир қатор имкониятларини ишга туширади, – дейди Кенгаш раиси ўринбосари Т.Сатторов. – Айни вақтда Франция тараққиёт агентлиги томонидан турли ҳудудларда фаолият юритаётган 80 фермер хўжалигига 15 миллион евро атрофида кредит ажратилди.

Ташриф якунида иккала томон ҳамкорликда ҳудудий ўқув марказларида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳамда ўқув курсларини ташкил этиш юзасидан режаларни келишиб олдилар.

Нилуфар БОЗОРОВА,
ЎЗА мухбири.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

АГРАР СОҲАДА ИЛҒОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА СИРДАРЁ ТАЖРИБАСИ

Бугун барча соҳаларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалигига ҳам илғор илмий ёндашувларни жалб этиш, сув, тупроқдан унумли ва самарали фойдаланишни янада кенгроқ тарғиб этиш талаб этилмоқда. Шу муносабат билан Сирдарё вилоятининг Сирдарё ва Боёвут туманларида жорий йилнинг 15 июль санасида Республика амалий-назарий семинари ташкил этилди. Унда қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, вилоятлар ҳокимликларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, илғор кластерлар ва фермерлар вакиллари иштирок этди.

Семинар “Ўзбек ва Хитой дўстлик боғида” меҳмонларни кутиб олиш билан бошланди. Президент маслаҳатчиси Шухрат Ғаниев семинарни очар экан, ўз фикрларни билдириб ўтди.

– Сизларга маълумки бугунги кунда барча соҳаларга илмий ёндашув зарурлигини замоннинг ўз талаб қилиб турибди, – деди Шухрат Ғаниев. – Бу эса қишлоқ хўжалигида янада муҳимдир. Бунинг учун бугун биз Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилаётган ютуқларни янада кенг кўламда жорий этиш учун тўпландик. Сизларга Ўзбекистон-Хитой ўртаси-



да ташкил этилган “Peng Sheng” қўшма корхонаси мисолида пахтачилик, узумчилик соҳаларига татбиқ этилаётган янги технологиялар, озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган “желатин” маҳсулотларини тайёрлаш ва бошқа ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таъминоти ташкил этилади. Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш борасида катта ютуқларга эришдик.

(Давоми 3-саҳифада)

«ZIYORAT TURIZMI – 2023» КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Шу йилнинг 17-18 июль кунлари Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида “Ziyorat turizmi – 2023” кўргазмали тадбири бўлиб ўтди.



Юртимиз тараққиёти ва азиз халқимиз фаровонлигига қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар диний-маърифий ҳамда зиёрат туризми соҳала-

ридаги ислохотларда ҳам намён. Хусусан, сўнгги йилларда ватандошларимизнинг муқаддас ибодатларини адо этишлари учун яратилаётган

имкониятлар эътиборлидир.

Президентимиз ташаббуси ҳамда ҳукуматимиз муқаддас зиёратга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш мақсадида 2018 йилдан Умра сафарига боровчи зиёратчилар сонини белгилаш бўйича квота (чекловлар) олиб ташланди. Бугунги кунда юртимизда маҳаллий ва жаҳон миқёсида зиёрат туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса, соҳани такомиллаштириш, хизматлар сифатини ошириш ва нархларни мақбуллаштириш бўйича янги-янги уфқларни излаш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Замонавий газ-чанг тозалаш
ускуналарини ўрнатишнинг
афзалликлари кўп



Кейинги йилларда турли саноат корхоналари ва автотранспорт воситалари сонининг кескин ошганлиги боис, атмосфера ҳавоси ҳаддан зиёд ифлосланиб бормоқда. Хусусан, бундай ҳолатни металлургия, кимё ва машинасозлик саноати ривожланган Навоий шаҳрида яққол кўришимиз мумкин. Маълумотларга кўра, Навоий вилоятида сўнгги 4 йилда саноат корхоналарининг сони, қурилиш ишлари ҳажми икки баробар, транспорт воситалари сони эса тўрт баробарга ўсган. Яқинда Кармана тумани ҳокимлигида ўтказилган матбуот анжумани мавзуси ҳам ана шу долзарб масалага қаратилди. “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонунчилик талабларига риоя этиш, автоматик станциялар технологиялари ва имкониятлари ҳамда кўмир ёқилғисида пишган гишт, оҳак ва бошқа турдаги фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналарига замонавий газ-чанг тозалаш ускуналарини ўрнатиш самарадорлиги” мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази директори Нодир Юнусов, Кармана тумани ҳокими Фахриддин Умаров, Навоий вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Рустам Эргашев, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, аллерголог шифокорлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

(Давоми 3-саҳифада)

ЯГОНА ЙЎЛ, ЯГОНА ЧОРА

Июль ойи ҳам охирида бормоқда. Кундузи қуёш қиздиргандан қиздираяпти. Тирик жон борки соя излаган, салқинга интилган. Бундай пайтда экин майдонлари тез чанқаб қолиши, сувга эҳтиёж кескин ортиб кетиши кундай равшан. Вақтида сув берилмаса, ҳар қандай экин бу иссиқда ўзини олдириб қўйиши аниқ.

Сув хўжалиги вазирлигининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги ҳайъат йиғилишида суғориш мавсуми энг қайноқ паллага кирган шу кунларда сувчилар масъулиятини ошириш, режа асосида ҳудудларга сувни етказиб бериш, унинг ҳисоби ва тақсимотини тўғри юритиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Йил қийин келиши, сув оз бўлишига қарамай бу мавсумда ғалладан 8 миллион тоннадан зиёд ҳосил олингани, бунда сувчиларнинг муносиб иштироки борлиги, манбаларда сувни вақтида захира қилишга улғурилгани яхши натижа бергани таъкидланди. Ёзги суғориш мавсумида қийинчиликлар кўп бўлаётгани, шунга қарамай сувчилар бир ёқадан бош чиқариб, ҳамма ҳудудда ғўзани суғоришни ташкил этишлари, сувни тежаш, такрорий экинлар ва аҳоли томорқаларига ҳам сув етказиб бериш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Онлайн тарзда ўтказилган йиғилишни бошқарган Сув хўжалиги вазири, ҳайъат раиси Шавкат Хамраев яқинда бўлиб ўтган муддатидан олдинги Президент сайловида сувчилар ҳам фаол иштирок этгани ва жонбозлик кўрсатганини эътироф этди ва барчаларига миннатдорлик билдирди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республика-

сининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, республикада сув қонунчилигини ҳар томонлама такомиллаштириш мақсадида “Сув кодекси” ишлаб чиқилаётгани айтиб ўтилди. Тасдиқланган Концепция ва Стратегия асосида олиб борилаётган ишлар, вазирлик тизимида жорий йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш якунлари муҳокама қилинди. Вазир ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари бўйича амалга оширган ишларини баҳолаш танқидий жиҳатдан кўриб чиқилди.



Мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг қарийб 60 фоизига насослар орқали сув етказиб берилади. Йиғилишда насосларнинг ҳолатини қайта кўриқдан ўтказиш, фойдали иш коэффицентини ошириш, сувни ўлчаيدиган ускуналарни тафтишдан ўтказиш, сув ҳисобини юритишни ва йирик сув иншоотларини бошқаришни автоматлаштириш, гидрометрик постларда ҳам автомат бошқарувни жорий этиш, сувдан фойдаланиш режаси асосида иш юритиш, махсус хизматни кучайтириш бўйича топшириқлар берилди. Таъкидландики, оддий усулда суғорилганида 1 гектар майдонда пахта етиштириш учун 10-11 минг метр куб сув сарфланади. Агар томчилатиб суғорилса, 3500-4000 метр куб сув миқдори кифоя қилади. Ҳосилдорлик 10-15 центнерга ошади.

Насосларда сарфланаётган электр энергияси иқтисод қилинади. Бу ҳаммаси эмас. Сувни тежайдиган технологияларнинг афзалликлари кўп. Афзалликлари учунгина эмас, сув кам сарф бўлиши учун тежамкор технологияларга жадал ўтиш зарур. Обиҳаётга талаб ва эҳтиёж муқаррар ошиб бораётган ҳозирги даврда сув танқислигини енгишнинг ягона йўли, ягона чораси шу. Бошқа йўли йўқ, дея қайта-қайта ўқтирилди ҳайъат йиғилишида.

Йиғилишда вазир ўринбосарлари ва ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари ҳам ўз фикрларини билдирдилар.

Шухрат СУЮНОВ,
Сув хўжалиги вазирлиги ахборот
хизмати раҳбари.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

“KARAKALPAK CEMENT” ҚЎШМА КОРХОНАСИГА ПРЕСС-ТУР УЮШТИРИЛДИ

Яқинда Ўсаноатқурилишбанк томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги “KARAKALPAK CEMENT” қўшма корхонасига пресс-тур ташкил этилди. Унда журналистлар заводнинг “Цемент ишлаб чиқаришни кенгайтириш” лойиҳаси 3-босқич натижалари билан таништирилди.

Ўсаноатқурилишбанк томонидан республикамызда қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш, соҳада инновацион ва инвестицион лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, бунда хорижий инвесторлар ҳамда халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йилда қиймати 1 846,7 млн. доллар бўлган 576 та лойиҳа ишга туширилди, 15 мингдан зиёд иш ўрни яра-

тилди. “KARAKALPAK CEMENT” қўшма корхонасига тегишли лойиҳа ҳам шулар сирасига киради. Завод ҳудуди 31,3 гектар, уни тўлиқ қувватда ишга тушириш учун 705,0 млрд. сўм маблағ сарф этилди. Шундан 35 млн. евро банк кредити ҳисобланиб, ушбу маблағларга хориждан технологик ускуналар келтирилди.

– Маҳсулотларимиз тўлиқ маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарлади, – дейди “KARAKALPAK CEMENT” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фаррух



Шарапов. – Дастлаб бу ерда йилига 400 минг тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлса, лойиҳамизнинг 3-босқичини амалга ошириш натижасида бу кўрсаткич 1,4 млн. тоннага етди, ишчилар сони эса, 2 баравардан ошди (640 нафар). Завод тўлиқ кўмирда ишлагани боис катта миқдорда ёқилиш иқтисод қилишга эришилди.

Таъкидлаш жоиз, бу ерда татбиқ этилган ҳар бир лойиҳа “яшил” лойиҳалар саналади. Сабаби, заводга ўрнатилган технологик линиялар “яшил иқтисодиёт” мезонларига жавоб беради. Энергия тежамкор ҳамда экология ва атроф-муҳит зарарланишини камайтириш хусусиятига эга. Шунингдек, у ерда қуёш (20 МВт) ва шамол (300 МВт), электр станциялари ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, аynи пайтда бу борада ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

– Бугунги кунда цементнинг кўп тур-

лари мавжуд, улар тез ва секин қотиши билан характерланиб, ҳар бири ўзига хос, ҳар бирининг ўз харидори бор, – дейди Фаррух Шарапов. – Умумий талаб эса сифати билан боғлиқ. Шу боис биз ўз бозор мавқеимизни мустаҳкамлаш йўлида барча зарур чораларни кўриб бораёпмиз. Маҳсулот сифатини таъминлаш мақсадида лаборатория марказини барпо этганмиз.

Пресс-тур давомида журналистларга корхона фаолиятига оид мақсад ва режалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Лойиҳа давом эттирилиб, унинг 4-босқичида ишлаб чиқариш жами 3,6 млн. тоннага, иш ўрни мос равишда 1200 нафарга етказилиши маълум қилинди. Эндиликдаги муҳим йўл – хориж бозорига чиқиш эканлиги таъкидланди.

Ўсаноатқурилишбанк ахборот хизмати.



«ZIYORAT TURIZMI - 2023» КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

(Боши 1-саҳифада)
“Ziyorat turizmi – 2023” кўргазмаси шу ўринда ўзига хос ҳамкорлик майдони ҳисобланади. Кўргазмада Саудия Арабистони ва Араб кўрφαзида фаолият олиб бораётган барча йирик сайёҳлик компаниялари, авиакомпаниялар ва меҳмонхоналар вакиллари иштирок этди. Шунингдек, Россия, Марказий Осиё ва бошқа мамлакатлардаги юздан ортиқ йирик сайёҳлик агентликлари ҳам ўз хизматларини тақлиф этди.

Кўргазмада сайёҳлик компанияларнинг миллий павилионлари, жамоавий стендлари намоиш этилиб, ҳар бир қизиқувчининг саволларига жавоб берилди. Эътиборлиси, кўргазма асосида нафақат ватандошларимизнинг дунё бўйлаб зиёратларини ташкил этиш, балки хорижий сайёҳларнинг ҳам қадим цивилизациялар бешиги ва “Буюк ипак йўли”нинг муҳим ҳалқаси бўлган Ўзбекистонга сайёҳати, муқаддас қадамжоларга зиёратини халқаро стандартлар асосида уюштириш мақсади белгиланган. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонида олиб борилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсат асосида яқин дўст ва ҳамкор

давлатларнинг сайёҳлари ва ишбилармон доира вакиллари учун яратилаётган дўстона ва бағрикенглик муҳити муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, нафақат юртдошларимиз учун Умра сафарига, балки Саудия Арабистони, Туркия, Озарбайжон каби ҳамкор давлат фуқароларининг Ўзбекистонга ташриф буюриши учун виза тизимининг олиб ташлангани эътиборлидир. Шу ўринда юртимиз фуқа-

ролари учун Умра сафарларини сифатли ташкил этиш ҳамда маҳаллий зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида 2022 йил 7 октябрда ўз фаолиятини бошлаган “Умра зиёратлари сайёҳлик агентликлари Ассоциация (уюшмаси)”си фаолиятини кўрсатиб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунда мазкур уюшмага юртимиз ва хориждаги 25 дан ортиқ халқаро ва маҳаллий сайёҳлик агентликлари аъзо ҳисобланади. Ўтган

давр мобайнида Ассоциация томонидан ватандошларимизнинг Умра зиёратини мукамал ва сифатли адо этишлари учун юқори даражада шарт-шароит ва қулайликлар яратилди. Бунда ассоциациянинг ўнга яқин йирик халқаро сайёҳлик ширкатлари билан ҳамкорлик ўрнатгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. Натижада, биргина “Умра-2023” мавсумининг ўтган даври давомида ассоциацияга



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Динимизда ҳалол касб ила оила боқиш энг катта савобли амал даражасига кўтарилган. Бу ҳақда қуйидаги ҳадисда шундай дейилган: Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳу айтадилар: Бир йигит Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан ўтди. Унинг кучини ва ғайратини кўрган саҳобалар: Ё Расулulloҳ! Қани энди бу куч ва ғайрат Аллоҳ йўлида бўлса эди, дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар у ёш болаларини деб кўчага чиққан бўлса, демек у Аллоҳ йўлида, агар қария ота-онасини деб кўчага чиққан бўлса, демек у Аллоҳ йўлида, агар у ўзининг ифратини сақлаш учун чиққан бўлса ҳам у Аллоҳ йўлида. Аммо, ўзини кўз-кўз қилиш, мақтанш учун чиққан бўлса, у ҳолда шайтон йўлида бўлади”, дедилар (Имом Табароний ривояти).

Ҳадиси шарифларнинг бирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам амалларингиз ниятингизга қараб бўлади

деганлар, яъни савоб ёки гуноҳга эга бўласиз дейилмоқда. Бир киши бозорга кетаётса қаерга кетаяспиз деб сўралса, бозорни айланиб келай, деса унинг бозорга бориб келишида ажр бўлмайди, нафақаи рўзгор оиламга тирикчилик учун бозорлик қилиб келай, деса шу нияти учун ҳар босган ва кўтарган қадами учун савоб, гапирган сўзлари тасбеҳ-тахлил ўрнида ёзилади, дейилган. Яна мисол қилиб бошқа давлатга ишлагани кетаётган инсонга қаерга кетаяспиз десангиз бир айланиб келай, деса айланиб келади ҳолос аммо нафақаи рўзгор оиламининг тирикчилиги, уй қилишим керак, тўй қилишим керак, фарзанларимни ўқитиб, олим қилишим керак ва ҳаказо яхши ниятларни қилиб кетилса, ҳар бир ишида, амалида, сўзида савобу ажрларга эга бўлади. Сафар давомида ёлгон гапирмаса, бировнинг

ҳақиқа хийнат қилмаса, ҳалол луқма истеъмол қилса, ибодатларини вақтида адо этиб борса, Аллоҳ таоло буйруқларини бажариб, қайтарган нарсаларидан ўзини сақласа, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шу мусофирнинг ҳар қандай дуоси ижобат, унинг дуосининг ижобатида шак- шубҳа йўқдир, деганлар.

Аллоҳ таоло Куръони каримда барча ақл эгаларига жудда керакли мавзуда марҳамат қилган: “Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (одамларга) эҳсон қил! Ерда бузғунчилик қилишни истама! Чунки Аллоҳ бузғунчиларни суймас”. (Қасас сураси, 77-оят). Инсонга белгилаб берилган умр қанчалигини Яратган Роббимизнинг ўзи билади, қан-



чадан-қанча инсонлар кечкурун уйкуга ётиб, эрталабга уйғонмаяпти. Сиз билан бизга шу тонгни қўриш насиб қилдимиз, билингки, бу сиз ва биз учун яхши амалларни қилиб олишимиз учун, қилган гуноҳларимизга тавба қилишимизга, ибодатларимизни қилиб Аллоҳ таолога

Мутахассис тавсиялари

ЧИЛПИШ – ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ МУҲИМ ТАДБИР

Маълумки, чилпишни оби-тобида ўтказиш қўзланган ҳосилнинг энг асосий шартларидан биридир.

Белгиланган агротехник тадбирлар меъёрида ўтказилганида ғўзанинг ўзи ўсишдан тўхтайд. Аммо, ғўзада ҳосил қанча кам бўлса, у ўсишга мойил бўлади. Шунинг эътиборига олиб, ўсишга мойил пайкаларда ғўзанинг бош поя ва ўсув шохларининг учи чилпиб ташланса, озиқ моддалар ҳосил шохларига, ундан ҳосил тугунчаларига ўтади, уларнинг тўқилиши камайди, кўсаклар кўпайиб, вазни ортади. Чилпишни ўз вақтида бажариш шона ва тугунчаларини сақлашга, кўсак пайдо бўлиш ва етилиш жараёнларини жаддалаштиришга хизмат қилади. Бунда тулпарда тўлақонли кўсаклар кўпроқ шаклланади, уларнинг салмоғи, ҳосилдорлик ва тала сифати ортади.

Маълумки, ғўза жуда кўп ҳосил элементлари пайдо қи-

осиб, ишлатилади. Ниҳоллар ривож ҳар хил бўлган тақдирда ушбу тадбирни икки марта бажариш лозим. Аввалига асосий ўсиш нуқтаси қирқилса, орадан 7-10 кун ўтгач, ўсиб бараварлашган бошқа тулпарнинг учлари чилпиб ташланади. Чилпишни қўлда ўтказганда ташланса, озиқ моддалар ҳосил нуқталари 1,5-2 см. узунликда юлинади. Бунда ишловчилар баъзи тулпарда 10-11 та ҳосил шохчалари бўлганда уч қисмини чилпишадик, натижада ҳосилдорликка сезиларли даражада зарар етади. Ушбу ҳол кўпинча бу ишга тажрибаси йўқларни жалб қилганда рўй беради. Ҳосил шохлари 10 тадан кам бўлган майдонларда бу тадбир самара бермаган. Айни пайтда кечки чилпиш ҳам қўзланган самара бермаслиги таъкидланган.



лиши мумкин, бироқ ёппасига мевалаш даврида озиқ элементлари ва сув етишмаслиги сабабли уларнинг кўп қисми тўқилади. Чилпиш ўз вақтида, сифатли ўтказилганда, кўсакларнинг пишиши 5-10 кунга тезлашади ва ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга ошади. Агар чилпиш кеч ўтказилса, ўрта ярусдаги гул ва тугунчаларнинг бир қисм ҳосили кечки бўлади.

ЧИЛПИШНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗГАН МАЪҚУЛ?

Чилпиш асосан қўлда, механизмлар ёрдамида ва кимёвий усулда ўтказилади. Механизмлар ёрдамида қилиш иш унумининг ортишини таъминлайди, қўлда қилинганига қараганда 4 баробар арзонга тушади. Ниҳоллар бир текис ўсган майдонларда чилпиш механизмлар ёрдамида ўтказилади. Битта машина 25-30 кишининг ишини бажаради. Ҳосил машиналарда йиғиштириб олинадиган майдонларда чилпиш машиналар ёрдамида ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу тадбирни култивация ёки жўяқ олиш билан бир вақтда бажариш мумкин. Бунда чилпишга мослаштирилган ЧВК-4, ЧВХ-3,6, ЧХУ-4 ва бошқа агрегатлар тракторга

ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛСА, НАҚДИ БОЙ БЕРИЛМАЙДИ

Белгиланган тадбирлар ўз вақтида бажарилса, ғўза бўйига ўсиб кетмайди. Озиқ моддалар ва сув ҳосил шохларига тенг тақсимланади. Чилпиш муддатини тажрибали деҳқонлар ўсимлик ҳолатига ва ҳосил элементларининг сонига қараб белгилайдилар. Бу йилги шароитда ғўзада 12-13 ҳосил шохлари пайдо бўлганда чилпиш ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу пайтда ўсимликда камида 30-40 та ҳосил элементлари ҳам пайдо бўлади. Уларнинг камида 45-50 фоизини сақлаб қолиш мўл ҳосил олиш имконини беради. Одатда чилпиш ғўза қатор ораларига сув қўйилгандан сўнг, етилиш даврида ўтказилади. Сув қўйишдан олдин қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Агар чилпишдан кейин қатор ораларига сув таралса, ўсимлик ғовлаб кетиши мумкин. Бу эса ҳосилдорликка салбий таъсир қилади.

Ренат НАЗАРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор,
Жўрахон АБДУЛЛАЕВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош мутахассиси.

Эълон

“SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг А4 форматдаги 0286403, 0296868 серияли полис бланкалари йўқолганлиги сабабли юридик кучини йўқотганлиги маълум қилинади.

ТЕЖАМКОРЛИК – ЯРАМ РИЗҚ

деганлар, яъни савоб ёки гуноҳга эга бўласиз дейилмоқда. Бир киши бозорга кетаётса қаерга кетаяспиз деб сўралса, бозорни айланиб келай, деса унинг бозорга бориб келишида ажр бўлмайди, нафақаи рўзгор оиламга тирикчилик учун бозорлик қилиб келай, деса шу нияти учун ҳар босган ва кўтарган қадами учун савоб, гапирган сўзлари тасбеҳ-тахлил ўрнида ёзилади, дейилган. Яна мисол қилиб бошқа давлатга ишлагани кетаётган инсонга қаерга кетаяспиз десангиз бир айланиб келай, деса айланиб келади ҳолос аммо нафақаи рўзгор оиламининг тирикчилиги, уй қилишим керак, тўй қилишим керак, фарзанларимни ўқитиб, олим қилишим керак ва ҳаказо яхши ниятларни қилиб кетилса, ҳар бир ишида, амалида, сўзида савобу ажрларга эга бўлади. Сафар давомида ёлгон гапирмаса, бировнинг

ҳақиқа хийнат қилмаса, ҳалол луқма истеъмол қилса, ибодатларини вақтида адо этиб борса, Аллоҳ таоло буйруқларини бажариб, қайтарган нарсаларидан ўзини сақласа, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шу мусофирнинг ҳар қандай дуоси ижобат, унинг дуосининг ижобатида шак- шубҳа йўқдир, деганлар.

Аллоҳ таоло Куръони каримда барча ақл эгаларига жудда керакли мавзуда марҳамат қилган: “Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (одамларга) эҳсон қил! Ерда бузғунчилик қилишни истама! Чунки Аллоҳ бузғунчиларни суймас”. (Қасас сураси, 77-оят). Инсонга белгилаб берилган умр қанчалигини Яратган Роббимизнинг ўзи билади, қан-

янада яқин бандалардан бўлиб олишимиз учун имконият. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эрталаб уйқудан уйғонганларида (Алҳамду лиллаҳиллази ахяна баъдама аматана) “Мени ўлганимдан сўнг қайта тирилтирган, (буғунги тонгни кўришликни насиб қилган) Роббимга ҳамду санолар бўлсин!”, дер эдилар. Уламолардан бирлари инсон еётган луқмаси ҳақида шундай деган: “Гарчи ибодат вақтида устундек қотиб турсангиз, то қорнингга қираётган луқманга эътибор бермагунингча ибодатингдан фойда йўқ”. Ҳозирги кунда бировларнинг ҳақидан кўркмайдиган фарибгарлар кўпайиб кетди. Муътабар китобларда бир инсон бошқа бир инсоннинг ҳақини еб қўйса, хийнат қилса, ўғирласа, ҳақ эгаси ундан рози бўлмагунча Аллоҳ таоло унга жаннатим ҳаромдир, деган. Шундай экан, инсон бу имтиҳон дунёда озгина яшаб, охиратини барбод қилиб қўймаслиги керак.

Муҳаммадшокир БОБОХЎЖАЕВ,
Норин туманидаги “Умархўжа зшон” жомеъ масжиди имом хатиби.

Бу йил пахтачилик соҳасига 8 триллион сўм маблағ ажратилди

АГРАР СОҲАДА ИЛҒОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА СИРДАРЁ ТАЖРИБАСИ

(Боши 1-саҳифада)
Жорий йилда ғалладан 100 центнердан юқори ҳосил олганлигимиз бунинг бир мисолидир. Энди эса бу кўрсаткични 150 центнерга кўтаришни мақсад қилишимиз керак. Худди шундай пахтачилик соҳасида ҳам фермер 50 центнердан кам ҳосил олса, даромоди яхши бўлмайди. Демак илмий асосга қурилган замонавий технологиялар асосида пахта ҳосилдорлигини ҳам 60-70 центнерга кўтаришимиз керак. Бунинг учун эса Республикаимиз ҳудудларида фаолият олиб бораётган қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни жорий этаётган соҳа ходимларининг ютуқларини ўрганишимиз керак бўлади. Семинарга келган эканмиз ҳар биримиз ундан ўзимизга керакли хулоса ва тавсияларни олиб, ўз фаолиятимизга жорий қилсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу йил пахтачилик соҳасига 8 триллион сўм маблағ ажратилди. Энди фақат пахта терими ва дефоляция маблағлари қолди, холос. Демак, яратиб берилётган имкониятлардан унумли фойдаланишимиз керак. Бунинг учун ҳар бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш муддатига амал

қилиш, агротехника воситаларини ўз вақтида бажариш, суғоришда тежамкор технологиялардан фойдаланиш лозим. Ўлкамиз серкўш, ҳавомиз тозалиги эса қилаётган меҳнатимизга янада унумдорлик бахш этади.

— Тажриба-синов тариқасида 67 гектар ерга экилган пахта даласида қўлланилаётган Хитой технологияси, унинг самараси ва ғўза парваришидаги аҳамияти семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ёўзалар бошқа дала майдонларидагига қараганда кечроқ экилган бўлса ҳам уни сеялқанда



экишда тўрт вазифа бирданига бажарилди. Чигит экилиб, ўғит берилган, иссиқликни сақлаш учун плёнка қопланган, сувни исроф қилмаслик учун томчилатиб суғоришга мўлжалланган шланглар ётқизиб чиқилган. Бу жараён ҳар бир чигитнинг бекаму-кўст унишига хизмат қилди. Қолаверса ғўза қаторлари ораси 76 см.ни ташкил этиб, ғўзалар сонининг ортишига ҳам сабаб бўлди. Бу замонавий технологиялар тупроқ унумдорлигини оширишга, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга, ўз навбатида пахтадан юқори ҳосил олишга қаратилган, — деди

Сирдарё тумани ҳокими Ботир Мирзакулов.

Ҳа, бундай амалий семинарларнинг ташкил этилиши ҳар бир ҳудудда аграр соҳага татбиқ этилаётган замонавий технологиялар ва уларнинг афзалликлари хусусида тажриба алмашишдан иборат бўлиши билан аҳамиятлидир. Қолаверса, фақат пахта етиштиришда эмас, маҳсулотларнинг жозибадорлигини ошириш, турларини кўпайтиришга эътибор қаратилиши ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Баҳром БОЙМУРДОВ,
журналист.



АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

(Боши 1-саҳифада)
Анжуман қатнашчиларига бугунги кунда вилоятда sanoat корхоналаридан атмосфера ҳавосига чиқаётган ташламаларни ва оқова сувларни тозалаш иншоотлари, автоматик станцияларнинг имкониятлари, корхоналарда экологик бошқарув ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг афзалликлари, шунингдек, корхоналардан атрофга чиқаётган зарарли газ-чангларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири тўғрисида маълумотлар берилди.

— Айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятда айрим пишган ғишт, оҳак ишлаб чиқариш ҳамда умумий овқатланиш корхоналари чанг-газ тозалаш ускуналарисиз ишлаб, тўғридан-тўғри атмосфера ҳавосига чанг-газлар



чиқариб келмоқда, — дейди Навоий вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқаруви ахборот хизмати раҳбари Зубайда Душанова. — Бу ҳолат ҳудудимиз экологиясига салбий таъсир кўрсатиши баробарида шу ҳаводан нафас олаётган инсонлар соғлигига ҳам катта зарар етказаяпти. Мутахассислар бундай корхоналар раҳбарларига замонавий газ-чанг тозалаш ускуналарини ўрнатишнинг афзалликлари тўғрисида тавсияларини бериб боришапти.

Шунингдек, анжуманда хорижий ишлаб чиқарувчи компаниялар вакиллари ҳам ZOOM орқали иштирок этиб, ишлаб чиқариш корхоналарига ўрнатиладиган замонавий газ-чанг тозалаш ускуналаридан фойдаланиш ва унинг афзалликлари юзасидан батафсил тушуنча ва тавсиялар беришди.

Анжуман давомидида ОАВ вакиллари экологияга зарар етказувчи омилларни имкон қадар қисқартириш, ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқаётган зарарли газ-чангларни тозалаш, бу борада корхона раҳбарларининг ҳам масъулиятини ошириш борасида ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олишди.

Отабек АСПОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ИШЛАРИ СИФАТИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА


Жиззах шахрини Шароф Рашидов тумани билан боғловчи темир йўл устидан ўтган 700 километр узунликдаги йўл ўтказгич объектида қурилиш-монтаж ишлари қизгин амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда пойдевор қуриш ишлари давом этаётган объектдаги барча қурилиш-монтаж ишлари сифати Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги йўл қурилиш ишларининг сифатини назорат қилиш инспекцияси Жиззах вилояти ҳудудий шўъба бўлими жамоаси томонидан қатъий назоратга олинган.

— Жиззах вилоятида йўл-транспорт инфраструктураси тизимини ривожлантириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш мақсадида 2022-2023 йилларда вилоятда 99,370 км. узунликда автомобиль йўлини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва 1 та кўприк барпо этиш

кўзда тутилган, — дейди Транспорт вазирлиги ҳузуридаги йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси Жиззах вилояти ҳудудий шўъба бўлими бошлиғи Жамшид Қайумов. — Албатта, ушбу кенг қўламли бунёдкорлик ишлари халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида амалга оширилмоқда. Ҳар бир қурилиш, таъмирлаш ишлари сифатини қатъий назоратга олганмиз. Йўл, кўприк қуришдек эзгу ишларда қаллоблик, кўзбўямачиликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Улар халқимизга узоқ йиллар хизмат қилмоғи керак.

Ориф ЖУМАНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР ҚИРОЛИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли драматург, адиб Алп Жамол таваллудининг 110 йиллигига бағишланган адабий-маърифий кеча ҳамда “Меҳрибонлар” китоби тақдироти ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид сўзга чиқди.

— Алп Жамолдек таҳаллус остида катта фожеа — ижодкорнинг қайғули қисмати, икки нафар норасида фарзандининг тақдир бор, — деди Сирожиддин Саййид. — Унинг асарларида тилга олинган мавзулар ҳамон долзарб, эскирмайдиган мавзулардир. Алп Жамолнинг “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи”, “Телевизион миниатюралар театри” кўрсатувлари бугун ҳам жуда долзарбдир.

— Асарлари бугунги кунга ҳам хизмат қилаётган ижодкорларнинг хотирасини ардоқлаш бурчимиздир, — деди устоз жур-

налист, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев. — Уларнинг жасорати, журъати, қатъияти ҳам бугун жуда керак бўлмоқда. Ҳаётнинг аччиқ сабоғи шундайки, улуғликка сира интилмаган, содда ва самимий инсонларнинг қадрини уларни йўқотганимиздан кейингина англаймиз. Ҳақиқий асарларнинг тили, қаҳрамонлари, маъно-мазмуну сира ўзгармас экан. Алп Жамолдек ижодкорнинг асарлари тили ўзбекона лутф, аския, қочиримларга уйғун экани билан аҳамиятлидир.

Алп Жамол асарларида тилга олинган иллатлар бугун ҳам жамият муросасизлик билан кураш олиб бориши керак бўлган

камчиликлардир.

— Алп Жамолдек ижодкорнинг хотира тадбирида ишторик этаётганимиздан мамнунмиз, — деди Буюк Британиянинг Оксфорд университети ўқувчиси Лейла Нажафзода. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Учинчи Ренессанс ҳақида кўп гапиряптилар. Айни жиҳатга Европада ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Назаримда бу Ренессанс сарй йўл ўзбек ижодкорларининг асарларини уларнинг оригинал тилида ўқиш билан бошланади. Хорижлик ўқувчилар Алишер Навоий, Алп Жамолдек ижодкорлар асарини ўзбек тилида мутолаа қилишни истайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Алп Жамол таҳаллуси билан ижод қилиб миллионлаб юракларни забт этган Жамолиддин Асомиддинов 200 дан ортиқ ҳажвий ҳикоя, интермедия муаллифи эканини таъкидлади. Унинг “Тоштешар”, “Жафого вафо”, “Қувғин”, “Туйдаги тугун”, “Меҳрибонлар”, “Ғизгизон” каби асарлари вилоят ва пойтахт театрларида сахналаштирилган. Шу зайл Алп Жамол ўзбек адабиётига, драматургиясига, ҳажвиётига, тележурналистикаси ривожига катта ҳисса қўшган ижодкордир.

— Бугун телевидениега Алп Жамолдек ижодкорлар етишмайди, — деди таниқли журналист, Ўзбекистон Миллий ахборот

Ҳароратининг кескин кўтарилиши ўз навбатида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳар доимгидан-да эътиборли бўлишни тақозо этади, яъни кўча ва мавзелада, очик майдонларда, йўл ёқаларида қуриган ўтлар, йиғилиб қолган қуруқ шох-шаббалар, ҳазонлар ҳамда турли хилдаги чиқинди ва ахлатларнинг йиғилиб қолиши натижасида кўплаб ёнғинлар содир бўлиши кузатилади.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни мана шу қуриган ўтлар, шох-шаббалар эса ёнғин содир бўлиш хавфини оширади, чунки қуриган ўтларнинг аланга олиши учун битта чўғ ҳам кифоя. Айрим фуқаролар сигарета қолдиғини ўчирмай, қуриган ўтлар устига ташлаб кетишади, бу эса муқаррар оловни чиқаради. Баъзи ҳолларда қуруқ ўтлар баралла ёнмасдан, тутаб ёнганга ҳам гувоҳ бўламиз. Гарчи бир қарашда хавфсиздек кўринса-да, аммо тутуннинг зиёни, атрофдагиларга келтирадиган зарари очик аланганидан кам эмас. Чунки тутун таркибида соғлиқ учун зарарли модда мавжудлигини тиббиёт ходимлари бот-бот такоррлашапти. Бундан ташқари, у ҳавони булғаб, табиатга ва экологик ҳолатга ҳам катта зиён етказди.

Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик, аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт тармоқлари объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига асосан



жорий йилнинг 10 июлидан 10 августигача мамлакатимизда “Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича долзарб 30 кунлик” тадбирлари белгиланган бўлиб, барча шаҳар ва туманларда Фавқуллода вазиятлар бўлимлари томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин билан боғлиқ турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан ташкилот ва идораларда, ижтимоий объектларда, савдо мажмуалари ва бозорларда, аҳоли орасида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Яккасарой туманида оқиб ўтувчи Бурижар канали қирғоғидаги қуриган ўтларни Тошкент шаҳар каналларидан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларини ободонлаштириш бошқармаси томонидан ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, тумандаги қатор маҳаллалар фаоллари ва фуқаролар ўртасида ёнғин техникаси намоиши билан кенг қўламадаги учрашувлар ўтказилди. Сўзга чиққанларнинг барчаси йиғилганларга ёнғинлар инсонларнинг бепарволиги натижасида, яъни, маст ҳолатда сигарета чекиш, болаларни назоратсиз қолдириш, дазмол каби электр ускуналарни қаровсиз қолдириш натижасида жиддий талафотларга, айрим ҳолларда ҳалокатга олиб келиши ҳақида мисоллар келтириб, фотосуратлар ёрдамда сўзлаб бердилар.

Сирасини айтганда, бу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда фуқаролар онига оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларини синдириб боришдир. Шунинг учун ҳам Яккасарой тумани ФВБ ходимлари яна бир бор ҳаммани “Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича долзарб 30 кунлик” тадбирларида фаол иштирок этишга чорлаб қолади.

Маъруфжон ШАРИФОВ,
Яккасарой тумани ФВБ ЁН ва ПБ инспектори, капитан.



агентлиги Бош директори Абдусайд Кўчимов. — Алп Жамолни телеминиатюралар театрининг қироли, деб аташ мумкин. Унинг “Меҳрибонлар” китобида таниқли драматург, миллий телеминиатюралар театри кўрсатуви асосчилардан бири ҳақида замондошлар хотиралари, ижодкорнинг мураккаб ҳаёт йўли, дунёқараши кўз ўнгимизда гавдаланади.

Хотира тадбирида Алп Жамол ижодининг аҳамияти хусусида батафсил сўз юритилди. Ижодкор ҳақидаги илиқ хотиралар ёдга олинди. Марҳум ижодкорнинг фарзандига Алп Жамолни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилиш бўйича гувоҳнома топширилди.

Йиғилганларга “Меҳрибонлар” китоби тақдим этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ОРГАНИК ЎКИ НООРГАНИК МАХСУЛОТЛАР

Органик маҳсулот деганда ҳеч қандай кимёвий препаратларсиз, табиий усулда етиштирилган маҳсулотга нисбатан айтилади. Ноорганик маҳсулот эса жайдари қилиб айтганда селитра ва шунга ўхшаган ҳар хил кимёвий моддалар қўшиш оқибатида етиштирилган маҳсулотларга нисбатан айтилади. Шунинг билан бирга ноорганик ҳолда етиштирилган маҳсулотлар тез бузилувчан бўлиб, инсон организмга зарарли ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, бугун бозорларимизни тезпишар тарвуз-қовунлар, даланки сингари юмшоқ эмас қаттикроқ бўлган помидорлар эгаллади. Лекин бизлар бу махсулотларнинг қаерда етиштирилгани, нима орқали етиштирилганлигига умуман аҳамият бермаймиз. Аҳамият бериб, сўраганимизда ҳам сотувчилардан тайинли жавоб ололмаслигимиз аниқ. Сабаби, фақатгина давлат ташкилотларида мижоза яхши муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида эслатмалар бор. Бозор ва дўконларда эса мижоза яхши муносабатда бўлиш тўғрисида эслатмалар йўқ. Аслида ҳам муомала маданияти ўз миллий қадриятларимиздан бўлиб, муносабатлар олий қадрият даражасига чиқса нур устига нур бўлади.

Мамлакатимизда органик махсулотлар тўғрисидаги органик махсулотлар ишлаб-чиқариш учун қўлай



сулотлар тўғрисидаги 2021 йил 3 декабрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда маъқулланган Қонуннинг мақсади ва қўлланилиши хали ҳамон савдо мажмуаларида жорий қилинмаётир. Ушбу қонуни ишлаб чиқаришдан мақсад ҳам инсон ҳаёти ва соғлигининг хавфсизлиги ҳамда тadbirkorlik субъектлариға органик махсулотлар ишлаб-чиқариш учун қўлай



сулотнолар тўғрисидаги 202 йил 3 декабрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда маъқулланган Қонуннинг мақсади ва қўлланилиши хали ҳамон савдо мажмуаларида жорий қилинмаётир. Ушбу қонунни ишлаб чиқаришдан мақсад ҳам инсон ҳаёти ва соғлигининг ҳавфсизлиги ҳамда тадбиркорлик субъектларига органик маҳсулотлар ишлаб-чиқариш учун қўлай

шарт-шароитлар яратиш, аҳолини органик маҳсулотлар билан таъминлаш эди. Афсуски, савдо рastaларидан ўрин олган полиз маҳсулотларининг органик ёки ноорганик маҳсулот эканлигини назаримда ҳақим сўроқлаётгани йўқ. Бозорларимизда сотилаётган маҳсулотларнинг сифатлилик, яроқлилик сертификати борми, йўқми бу ҳам бизга аён эмас. Бугунги кунда тадбиркорлар томонидан иссиқхоналарда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг қай даражада етиштирилаётгани билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ. Тадбиркорларга кенг йўл очилиши аҳоли бандлигининг таъминланishi яхши, албатта. Лекин ҳаддан ташқари кимёвий моддалар билан тўйинтирилган маҳсулотлардан ақилнинг зарарланишига қараб турилмаслиги керак. Бунинг учун ички назоратни кучайтириш, талаб ва нормаларни қўйиш керак, албатта. Фиркимча, бугун бозорларимизда, дуконларимизда мева ва сабзавотларга "органик" ёки "ноорганик" деган белгини қўйиш пайти келди. Шунда аҳоли ўртасида ушбу сўзларга нисбатан қизиқиш ортарди. Истеъмол қилаётган маҳсулотларининг қандай етишти-



риллангидан хабардор бўларди, назаримда. Сир эмаски, бугун йўллар чети-ю, бозор расталаридан ўрин олган тарвуз-қовунларга вақтли етилиб, қимматроқ нархларда сотилиши учун ҳам қимёвий моддалар кўп миқдорда солиниб, расталардан ёз бошланмасиданқо ўрин олганлиғи барчамизга маълум. Ҳаддан ортиқ солинган селитра оқибатида пишиган тарвуздан касалланганлар ҳам бир қанча мuddат тarmoқларда айланди. Афсуски, шундай бўлишига қарамасдан ҳамон бозорларимизни ноорганик маҳсулотлар эгаллаб бўлди. Менимча, эндиликда ўз то-морқасида ҳеч қандай қимёвий моддаларсиз мева-сabзавот етиштириб, бозор расталарига олиб чиқаётган деҳқоннинг меҳнатини қадрлаш вақти етди. Тадбиркор деҳқонлар ҳам келажақда фарзандларимиз, ўзимиз носоғлом бўлиб қолмаслиғи-миз учун озгина виждонларига қулқо солишлари керак. Чунки қимёвий моддалар инсониятни аста-аста емираб бориши турган гап. Инсон ҳаёти, унинг соғлиғи биринчи ўринда бўлганлиғи учун ҳам бугун барча-миз аҳолини хабардор қилишимиз, уларнинг заҳарланавериш оқибатида соғлиғини йўқотиб, умри қисқармас-лиғи учун бирдамликда курашишим-миз керак.

Хуршида НИШОНОВА

 НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Ўлкамизда ёз фасли. Атрофга қарасангиз, кўз қувонади. Боғларда шарбатга тўла мевалар фарқ пишган. Ўзидан минг бир ғфор таратиб турган гулзорларнинг таровати, ғайи ўзгача. Аммо ҳар фаслнинг ўз хислати бўлгани каби бу йилги ёзнинг ўта иссиқ келиши, жазирама кунларнинг давомлилиги ҳар биримизни янада ҳушёр торттириб, ҳаётёткорлик билан иш тутишимизни талаб қилаётир.



СОҒЛОМ БЎЛАЙ, ДЕСАНГИЗ СУВ ИЧИНГИ!

Барчамизга маълумки, иссиқ кунларда кўп терлаш натижасида инсон танаси кўп суюқлик йўқотади. Шунинг учун янада кўпроқ суюқлик истеъмол қилишга мойиллигини оширади. Ана шундай пайтда организмнинг сув балансини чаңқоқбосди- ичимликлар билан тиклаш мўҳим аҳамият касб этади. Бундай пайтда сув ва ўта ширин бўлмаган, ўртача нордон ва табиий шарбатлар ичиш тавсия қилинади. Қишда табиийки одам иссиқ ичимлик истеъмол қилгиси келса, ёзда муздеқина ичимликни хоҳлаб қолади. Аммо мутахассис сифатида йилнинг тўрт фасли давомида ҳам ўта совуқ бўлмаган илиқ ҳолатдаги ичимликларни истеъмол қилишни тавсия қиламиз. Совуқ сув ичиш инсонни касал бўлишига олиб келади, фойдали моддаларни сингдириш, шунингдек, овқат ҳазм бўлиши жараёнини секинлаштиради. Бугун ҳар қадамда турли рангдаги ва турфа таъмили шарбатлар тайёрлаб сотаётганларга кўзингиз тушади. Қолаверса, бундан ташқари, энергетик ичимликларнинг ҳам бозори қизигандан қизиган. Аслида мушкет ҳолда тақлиф этилаётган ушбу ичимликлар таркибида кўп миқдордаги шакар ва консервантлар борлиги сабабли қаңқоқни янада кучайтиради. Қаҳвани хуш кўрувчилар кучли жазирема пайти бу ичимликдан воқеа кечса маъқул йўлни танлаган бўлади. Чўнки бу ичимлик қаңқоқни босмайди, аксинча таркиби

даги кофеин қон босимини ошириб, танани сувсизлантиради. Бундан ташқари, қахва, чой ва алкоголь енгил пешоб ҳайдовчи таъсирга эга. Уларни истеъмол қилгандан кейин танадаги суяқлик ўрниини тўлдирши учун албатта сув истеъмол қилиш керак бўлади. Яна шуни ҳам татиқидлаб ўтишмишди керакки, оқурдаги ичимликлар организмнинг суяқликка бўлган талабини қондирши мумкин, аммо уларнинг таркибидagi калориялар табиий сувдек танага сиғмайди. Сут ва шарқари ичимликларини инсон танаси қабул қилиши, танага сиғиши учун ҳам организм ичимлик сувини талаб қиладди. Чанқок пайти яшил ёки ўсимлик бойлари (*ромашка, ялпиз ва башқалар*), қорағат, олча, олхўри каби нордон меваалардан тайёрланган шарбатлар, айрон, қатқич ичиш жуда фойдали. Сабаби, улар орқали организмга минерал моддалар ва витаминлар кириб боради. Яна шундай қишлоқ ҳўжамги махсусотлари борки, улар ҳам чанқокни яхши босади. Буларга бодирин, қовун, тарвуз, аёлсони кириди. Айниқса, эътоси бўлмиш "окрошка"ни ҳар қунни истеъмол қилиб туриш керак. Чунки, у инсон учун керакли микроэлемент ва витаминларга бойдир. Ёзда озик-овқат махсусотлари ва ичимликлар таркиби тез бузиллишини эътиборга олиш зарур. Бозорларда, қатта йил четларида сотиладиган қўлбул ва ярқоқлик мўддати ўтган ичимликларни ичи

саломатлик учун ўта хавфли.
Шунингдек, бу фаслда қўлиқ-
лик соя-салқин тоғ бағрига,
оқин сувли дарё, сойларга
дам олгани чиқади. Чўмили-
бд бўлгач, муздек салқин
ичимликлар ичиниши хоҳлаб-
қолади. Бу эса гриппни юти-
риб олиш ва каттиқ шомол
лашга дучор қилади. Дарё,
кўл ва очик сув ҳавзалари
суваридан тўғридан-тўғри
истеъмол қилиш ҳам соғлиқ-
ка зарар. Ҳатто бўлиқ сувини
ҳам истеъмол қилишнинг
инди филтрлаш ёки қайнатиш
таъсия этилади. Ўтказилган
ўрганишлардан маълум бўла-
дики, ҳар бир одам кунига ўрта-
ча 2 литр суви танасидан
ичак, буйрак, ўпка ва тери-
орқали ташқарига чиқариб
юборади. Ярим литр суёқлик
инсоннинг соғлом нафас оли-
шини таъминлайди. Ёзининг
иссиқ кунлари энг камидан
ўртача икки-уч литр суёқлик
ичишимиз керак. Агар унинг
ўрни мунтазам тўлдириб бо-
рилмаса, организм одамни-
занади. Натижада сувнинг
чарқоқ босади, бош оғрийди,
мушаклар ҳолсизланади, оғиз
ва кўз намлиганин пасаяди,
кишида иссиқни хушламас-
лик кайфияти пайдо бўлади.
Белгиланган тартибда сув
истеъмол қилиб яшаётган
кишиларнинг юзига ажин-
кам тушади. Озишга ҳаракат
қилаётган кишилар учун ҳам
ёрдам беради. Буннинг учун
тартибли овқатланиш ва мун-
тазам сув истеъмол қилишни
қудалик одатга айлантириш
керак.

Бугун атрофимизда юзлаб
турдаги маҳсулотлар мавжуд.
Улар орасида бизга оддий бў-
либ кўринувчи сувнинг ўрни
беқимс. Шундай экан, чанка-
ганда ҳеч иккиланмасдан
кўпроқ сув, сув ва яна сув
ичинг! Фақат қайнатилан ёки
маҳсус қадокланган, кафо-
латланган оддий сув бўлсин.

Хайринисо ҲАЙИТОВА,
Давлатбод тумани
санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жомат
саломатлиги бўлими
мутахассиси.



ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА “ДОЛЗАРЪ 30 КУНЛИК” ТАДБИРЛАРИ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

Ушбу тадбир ёз фаслининг энг иссиқ даврида, яъни, 10 июльдан 10 августга қадар ўтказилиши режа қилинган.

Юртимизда юз берган ёнгинларнинг охириги 10 миллик тахлили айнан шу даврда ёнгинлар сон кескин ошганини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ёғи дам олиш ва соғломлаштириш мавсумида ёнгин хавсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий аҳамиятга эга ва фавқуллода вазият юз бериш даражаси юқори бўлган, шунингдек, одамлар оммавий бўладиган объектларда ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши таъминланмоқда. Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган бўйича тест синовлари ўтказиладиган объектларнинг ёнгинга қарши ҳолати талаб

даражасига келтирилмоқда. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмагани қандай нохуш ҳолатларга олиб келиши мунтазам тўшунтирилмоқда.

Шу ўринда фуқароларимиздан “долзарб 30 кунлик” тадбирида фаоллик кўрсатиб, оила аъзолари ва яқин қариндошлари хавфсизлигига бефарқ бўлмасликларини сўраб қоламиз.

Ж.УМАРОВ,
Чилонзор тумани ФВБ П ва НБ
инспектори, катта лейтенант,
У.ҲАБИБЖОНОВ,

Бекобод ФВБ меърий техник бўлинмаси
бошлиғи, катта лейтенант.

ЭСКИЧА ҚАРАШЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ ФУРСАТИ АЛЛАҚАЧОН ЕТГАН

Кўпинча, қизларимизга “қиз бола дегани уйда ўтиради, ўқиши шарт эмас, 18 ёшга тўлдимки, турмушга чиқиши керак” сингари таъқиқлар қўйилади. Ахир, ҳали ҳеч нарсани таниб, улгурмаган қиз қандай қилиб оила қуради, қандай қилиб фарзанд таъбияллайди?

Оилада қиз боланинг ўрни бўлмас экан, келажак ҳақида яхши гумонда бўлишга ҳам иккиланади одам. “Ўғил боланинг илм олиши бир кишига, қиз боланинг ўқитилиши эса бутун жамиятга таълим бериш билан тенг”, дея бежиз

айтилмаганга. Ҳозирги кунда содир бўлаётган зуравонлик ва камситишларнинг ҳам асл сабаблари аёл-қизларимизнинг илмисизлигиди. Қандай қилиб эркин фикри йўқ бўлиб ўсган қиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қили олади? Бу кабию эскича қарашлар кеча ёки буғун пайдо бўлиб қолган эмас. Азалдан бор бўлган ва бирданига йўқ ҳам бўлиб қолмайди, афсуски. Шундан келиб чиқиб, бу борадаги ҳаракатларимизни бир-юз ҳам тўхтатмаслигимиз керак. Зеро, инсон ўзгасига, жамият ўзгасиди,

Нодира ЭРМАТОВА



**ҚУРУВЧИЛАР БИЛАН
ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА
СУЎБАТЛАР ЎТКАЗИЛДИ**

Янги қурилаган бино ва
иншоотларнинг қурилиш
майдонларини, шунингдек
қурилиш монтаж ишларида
ёнгин хавфсизлигини
таъминлаш чоралари "Бино
ва иншоотларни лойихалаш,
қуриш, реконструкция
қилиш, кенгайтириш техник
қайта жиҳозлаш ва капитал
таъмирлашда ёнгин хавфсизлиги
қоидалари" меъёрий ҳужжати
таалаблари мувофиқ
ташқиллаштирилиди.

Хусусан, қурилишдаги электр билан боғлиқ ишларда электёрконтрактори ошириш зарур. Масалан, қурилишга вақтинчалик электр симларини тортиштириш учун изоляция қилинмаган симлар маҳкам тировувч ёки тросларга илинади. Электр сими иш жойидан 2,5, ўтиш жойларидан 3, ўтиш йўлларида 6 метр баландликда бўлиши керак. Ер, пол ёки қопламадан 2,5 метрдан баландликда бўлган электр кабел ва симларни шикастланишдан ҳимояланган бўлиши лозим. Электр пайвандлаш ва газ алангаси билан боғлиқ ишлар бажариладиган жой ёнгин учирishi воситалари билан таъминланган бўлиши ва атрофи 5 метргача ёнувчан моддалар, 10 метргача портлаш хавфи юқори бўлган модда ва ускуналар, шу жумладан, газ баллонлари ва газ генераторларидан бўшатилиши керак. Иш туғайи билан электр тармоқлар, электр асбоб-ускуналар тоқдан узиб қўйилиши, электр энергиясини учирishi марказлашган бўлиши лозим.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича “долзарб 30 кунлик” тадбирлари давомида Сергели туманидаги 28 та қурилиш объектида меҳнат қилаётган курувчилар билан шулар хусусида батафсил суҳбатлашилди.

Санжар САИДМУРОДОВ,
Сергели тумани ФВБ НТБ
бошлиғи, капитан.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Бунorma Г-740. 1400 нусхада чоп этилди.

Манзилмиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Газета "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6